

2/2023,  
Mart-aprel  
(№ 00064)



## ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ҲУДУДЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ВА УЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

**Абдулхаева Гулшан Махмудовна**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти. Тошкент, Ўзбекистон.* [gulshan.abdulxaeva@mail.ru](mailto:gulshan.abdulxaeva@mail.ru)

**ORCID - 0000-0003-0555-4531**

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss2/i16](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i16)

### **Аннотация**

Мақолада республикамізда тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги тармоғининг ҳозирги ҳолати ва динамикаси, хўжалик юритувчи субъектларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг иқтисодий-статистик таҳлили ва истиқболдаги йўналишлари ёритиб берилган. Шунингдек, ҳозирги кунда долзарб вазифалардан бири, деҳқон ва фермер хўжаликларини барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни бартараф этиш ҳисобланади. Фермерлик ҳаракатини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш орқали тоғ ва тоғолди ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ошириш борасида муаллифнинг илмий таклифлари ва амалий тавсиялари берилган.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, ялпи ички маҳсулот, ялпи ҳудудий маҳсулот, деҳқон хўжалиги, чорвачилик, таркибий ўзгаришлар, инвестиция, ҳудуд иқтисодиёти, иқтисодий-статистик таҳлил, аграр ислохотлар, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар.

### **Аннотация**

В данной статье освещены текущее состояние и динамика сельскохозяйственной отрасли горных и предгорных территорий республики, экономико-статистический анализ и перспективные направления выращивания сельскохозяйственной продукции хозяйствующих субъектов. Также одной из актуальных задач на сегодняшний день является устранение факторов, оказывающих негативное влияние на устойчивое развитие дехканских и фермерских хозяйств. Даны авторские научные предложения и практические рекомендации по увеличению показателей производства сельскохозяйственной продукции в горных и предгорных районах за счет дальнейшего усиления государственной поддержки фермерского движения.

**Ключевые слова:** сельское хозяйство, сельскохозяйственное производство, валовой внутренний продукт, валовой региональный продукт, сельское хозяйство, животноводство, структурные изменения, инвестиции, региональная экономика, экономико-статистический анализ, аграрная реформа, социально-экономические процессы.

### **Abstract**

This article highlights the current state and dynamics of the agricultural sector of the mountainous and foothill areas of the republic, economic and statistical analysis and promising areas for growing agricultural products of economic entities. Also, one of the urgent tasks today is the elimination of

<http://iqtisodiyot.tsue.uz/journal>

factors that have a negative impact on the sustainable development of dekhkan and farm enterprises. The author's scientific proposals and practical recommendations are given to increase the indicators of agricultural production in mountainous and foothill areas by further strengthening state support for the farming movement.

**Keywords:** agriculture, agricultural production, gross domestic product, gross regional product, agriculture, animal husbandry, structural changes, investments, regional economy, economic and statistical analysis, agrarian reform, socio-economic processes.

## **Кириш**

Озиқ-овқат хавфсизлиги кўплаб мамлакатлар учун муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда 840 миллиондан ортиқ киши тўйиб овқатланиш имкониятига эга эмас. Бу жаҳон аҳолисининг деярли ҳар саккиз нафаридан бири демакдир<sup>1</sup>. Агар 2018 йилда дунё аҳолиси 7,6 миллиард кишини ташкил этган бўлса, 2050 йилга бориб, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, у 9,8 миллиарддан ошади, бу эса озиқ-овқатга бўлган талабнинг сезиларли даражада ошишига олиб келади<sup>2</sup>. Шу сабабли, дунё амалиётида ушбу муаммони бартараф этиш йўналишларидан бири сифатида ҳудудлар салоҳиятидан, хусусан тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ушбу ҳудудлар имкониятларидан оқилона фойдаланишга қаратилмоқда.

Тоғ ва тоғолди ҳудудлари ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиёти тармоқ ва соҳаларини ривожлантириш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатибгина қолмай, соҳадаги илмий-амалий тадқиқотлар долзарблигидан ҳам далолат беради. Бу фикрлар Ўзбекистон республикаси тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги учун ҳам тааллуқли. Ушбу ҳудудлар узлуксиз ва барқарор ривожлантирилиши ҳамда имкониятларидан оқилона фойдаланилиши уларда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш, республика қишлоқ хўжалиги тараққиётида алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакат бўйича қишлоқ туманларининг 42,1 фоизи, жами ер майдонларининг 43,6 фоизи, жумладан, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 55,3 фоизи, шунингдек, яйловларнинг 55,6 фоизи тоғ ва тоғолди ҳудудларида жойлашган. Ушбу ҳудудларда республика аҳолисининг 37,0 фоизи, шу жумладан қишлоқ аҳолисининг 46,2 фоиздан кўпроғи истеъжомат қилмоқда. Республикада етиштирилаётган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 46,5 фоизи айнан шу ҳудудларда яратилмоқда. Ушбу ҳудудлар қишлоқ хўжалигини ўзига хос хусусиятлари ҳамда унинг мамлакат озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш ва аграр соҳа тармоқларини барқарор ривожлантириш омилларидан бири бўлиб қолишини таъкидлаган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришнинг стратегик йўналишларини белгилаш, мазкур ҳудудлар имкониятларидан оқилона ва самарали фойдаланиш йўллари излаб топиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Шу билан бирга республикамизда тоғ ва тоғолди ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнларини комплекс статистик таҳлили, хўжаликларнинг иқтисодий ривожланиш тенденцияларини кўп омилли баҳолаш, ушбу ҳудудлар кесимида аграр секторни ривожланишидаги муаммолар ва уларнинг

<sup>1</sup> <http://protoday.uz/uz/archives/239608>

<sup>2</sup> <https://hordiq.uz/2019/07/22/top-10-aholisi-eng-kup-davlatlar/>

ечимлари бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб ва муҳим масала ҳисобланади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Тоғ ва тоғолди қишлоқ хўжалигининг ривожланиш ҳолати ретроспектив таҳлили шундан далолат бермоқдаки, охириги ярим аср вақт давомидаги аксарият тадқиқотлар тоғ ва тоғолди ҳудудларида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинлари агротехнологияси ва бу жараёнда фойдаланиладиган ресурс ва омиллар таъсири масалаларига бағишланган бўлиб, уларда иқтисодий масалалар жуда қисқа ва ўта тор доирада ёритилган. Айнан шундай ҳолатни чорвачилик масалаларига қаратилган тадқиқотларда кузатиш мумкин, уларда зот ва унинг ирсий маҳсулдорлиги ҳамда уни ошириш масалалари ўрганилган, холос. Бошқа йўналишдаги тадқиқотлар, хусусан, ҳудуднинг ресурс салоҳияти ва хусусиятлари муаммоларига бағишланган.

Масалан, ҳудудларни ўрганиш мақсадида тадқиқотларнинг аксарияти маълум бир йўналишларда олиб борилган. Бу жараёнда гидролог олимлар тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги сув ресурсларининг шаклланиш ва улардан фойдаланиш хусусиятларини ўрганишган бўлса, геологлар фойдали маъданли қазилмаларни, биологлар эса ҳудудлар биохилма-хиллиги ва экологик ҳолат масалаларини, метрология соҳаси мутахассис-олимлари ҳарорат, ёғин миқдори ва бу жараёнлар билан боғлиқ ҳолатларни, доривор ўсимлик ва шифобахш экинлар билан шуғулланувчи олим-амалиётчилар бундай ўсимлик ва экинларнинг тарқалиш ландшафтларини, яйловшунослар яйловларнинг маҳсулдорлик даражаси ва уни ошириш муаммоларини, ўрмоншунослар ўрмон мелиорацияси ва ўрмонлаштириш муаммоларини, иқтисодий география соҳаси вакиллари Ўзбекистон тоғли ҳудудларини географик жиҳатдан тадқиқ этишган [2]. Бу ва бошқа тадқиқотлардаги умумийлик шундаки, уларнинг барчасидаги изланишларда тадқиқот объекти тоғ ва тоғолди ҳудуди ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, нафақат республикамиз, балки мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари илмий ва махсус адабиётларида тоғ ва тоғолди ҳудудлари борасида турли қарашлар илгари сурилмоқда. Республика бир гуруҳ олимлари, ушбу ҳудудларни зоналаштириш орқали, аҳоли ва меҳнат ресурслари ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши хусусиятларини аниқлаш борасида фикрлар билдирилган[3].

Бошқа бир гуруҳ олимлар эса, тоғ ва тоғолди ҳудудларини баландлик бўйича минтақаларга бўлиш ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишга, дастур доирасидаги тадбирларни амалга ошириш механизми эса мулк шаклидан қатъий назар, барча хўжалик юритиш субъектлари, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг фаолият кўрсатиши учун зарурий шароитларни яратиб, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади, деб таъкидлаган[4,5] бошқалар қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш ва самарадорлигини оширишда аҳамият касб этишини маъқуллашган[6].

Г.Е.Авакян тоғли ҳудудлар ҳақида фикр юритиб, баланд тоғли ҳудудлар билан паст тоғли ҳудудлардаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳолати, табиати ва шароитидаги фарқлар тоғ ва тоғолди қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тизимини шакллантирувчи омил сифатида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаган[7].

Шунингдек, “тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги”нинг таърифи, бўйича ҳам, унинг барқарорлиги ва таркибий қисми ҳақида ягона фикрга келинмаган.

Масалан, тожикистонлик олима К.Н.Файзуллаева “Биз, миллий иқтисодиётнинг ажралмас қисми ҳисобланган “тоғ қишлоқ хўжалиги” ёки “тоғ ҳудудлари” (водий қишлоқ хўжалигидан кескин фарқ қилувчи) деганда, қийин шароитларда “тоғ ўсимликчилиги” ва “тоғ чорвачилиги”ни ривожлантириш бўйича инсон томонидан юқори даражада ташкиллаштирилган хўжалик фаолиятининг турли шакллари тушунмиз”[8], деб, таъкидлайди.

Мирзон Некруз Мирзоннинг фикри бўйича эса “Тоғ қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши деганда молиявий ва технологик шаклланиш мазмунидаги барқарорлик, ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унумдорликни ошириш, шунингдек, табиий ресурслар салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда уйғунлаштирилган шаклланишни таъминлаш нуқтаи назардан барқарорлик тушунилади”[9].

П.Г.Абдулманапов ва М.А.Галбацдибировалар ўз тадқиқотларида тоғли ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва бу ҳудудлардаги демографик жараёнлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари масалаларини тадқиқ этишган[10].

Ушбу тадқиқотларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятини юқори баҳолаган ҳолда қуйидагиларни таъкидлашни жоиз, деб билдик: юқорида номлари қайд этилган олимлар биринчидан, тоғларнинг денгиз сатҳига нисбатан баланд тоғли, тоғли, паст тоғли ва тоғолди каби ҳудудий таснифи кесимидаги хусусиятларни инobatга олмасдан, барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларни “тоғли ҳудудларга” мансуб ҳолат сифатида баҳолашган; иккинчидан, уларнинг тадқиқотлари асосан ушбу ҳудудларда sanoat соҳаси ва унинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларга таъсири доирасидаги масалаларга йўналтирилган бўлиб, уларда тоғ ҳудудлари қишлоқ хўжалиги ва унинг ҳудуд иқтисодиётидаги ўрни махсус ўрганилмаган; учинчидан, республикамиздаги тоғли ҳудудлар муаммоларига бағишланган кўплаб тадқиқотларда учрагани каби, бу тадқиқотларда ҳам тоғли ҳудудларда қишлоқ хўжалигини юритиш шакли ва унинг хусусиятлари, самарадорлиги ҳамда истиқболлари масалалари ўрганилмаган.

#### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот жараёнида илмий мушоҳада, умумлаштирувчи кўрсаткичлар, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, динамика қаторлари, статистик жадвал ва графиклар каби усуллардан кенг фойдаланилди.

Тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг кўп омилли таҳлили эконометрик моделига асосланган истиқболга мўлжалланган прогноз параметрларини ишлаб чиқишда иқтисодий, молиявий ва ишлаб чиқариш ҳамда “тармоқ кўламида ижобий ёки салбий таъсири илмий ва амалий жиҳатдан асосланган даражалар” тавсифидаги маълумотлар базасидан фойдаланилди.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Республикамиз озиқ-овқат мустақиллигини мустаҳкамлаш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни барқарорлаштиришда мамлакатимизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларига кирувчи 9 та вилояти 67 та (42,1 фоиз) туманининг ўрни ва аҳамияти катта ҳисобланади. Бу ҳудудларда республикамизда етиштирилаётган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 46,5 фоизи, жумладан, чорвачилик маҳсулотларининг 45,6 ва деҳқончилик маҳсулотларининг 47,2 фоизга яқини яратилмоқда. Республика тоғ ва тоғолди ҳудудларида етиштирилаётган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 54,0 фоизини деҳқончилик маҳсулотлари, 46,0 фоизини чорвачилик маҳсулотлари ташкил этмоқда.


Республикада донли экинлар майдонларининг 46,0 фоизи, картошка етиштириладиган майдонларнинг 53,0 фоизи, мева ва узум етиштириладиган

майдонларининг мос равишда 63 – 70 фоизи тоғ ва тоғолди ҳудудларида жойлашган. Бу майдонларда доннинг 40,0 фоизи, картошканинг 55,0 фоизи, мева ва узумнинг мос равишда 51,0 ва 67,0 фоизга яқини етиштирилмоқда. Экспорт қилинаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг 48,0 фоиздан кўпроғи (айрим маҳсулот турлари бўйича бундан ҳам ортиқроғи) тоғ ва тоғолди ҳудудлари ҳиссасига тўғри келади.

Тоғ ва тоғолди ҳудудларида аҳоли жон бошига республиканинг ўртача кўрсаткичидан дон 3,0 фоиз, картошка 1,5 марта, сабзавот 1,3 марта, мева 1,4 марта, узум 1,8 марта, гўшт ва сўт 1,3 марта кўп етиштирилмоқда. 2021 йил ҳолатига кўра<sup>3</sup> республика бўйича аҳоли жон бошига етиштирилаётган доннинг 76 килограмми (38%), картошканинг 48 килограмми (55%), сабзавотнинг 138 килограмми (46,5%), меванинг 41,5 килограмми (51%), узумнинг 32 килограмми тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келмоқда.

Сўнгги йилларда республика тоғ ва тоғолди ҳудудлари чорвачилиги ташкилий-бошқарув ва молиялаштириш тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилди. 2021 йилда мамлакат тоғ ва тоғолди ҳудудларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотларининг республика ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги улуши 21,3 фоизни ташкил этган. Сурхондарё вилояти тоғ ва тоғолди ҳудудларида эса 2013 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда етиштирилган чорвачилик маҳсулотларининг вилоят ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги улуши 37,9 фоизини ташкил этади. Воҳанинг бу ҳудудларида 2021 йилда парваришланган 85,9 фоизи йирик шохли қорамоллардан, улардан 80,8 фоизи эса сигирлардан иборат бўлган.

Бу ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш даражаси ҳам сезиларли даражада ошди. Чунончи, 2021 йилда республикадагига нисбатан мамлакат тоғ ва тоғолди ҳудудларида етиштирилган гўшт (тирик вазнда) 45,2 фоизни, сўт 43,1 фоизни, тухум 42,6 фоизни, жун 54,8 фоизни, пилла 42,3 фоизни, асал 41,7 фоизни, ташкил этган. Бу борада асаларичиликда ҳам муайян ютуқларга эришилган (1-расм).



**1-расм. Сурхондарё вилояти тоғ ва тоғолди ҳудудларида етиштирилган асал, минг тонна**

1-расм маълумотларидан кўришиб турибдики, тоғ ва тоғолди ҳудудларида етиштирилган асал 2021 йилда вилоятдагига нисбатан улуши 84,4 фоизни, яъни 455,7 минг тоннани ташкил этган. Демак, тоғ ва тоғолди ҳудудларида асаларичилик қишлоқ хўжалигининг юқори даромад берадиган тармоқлардан биридир. Шундай экан, бу ҳудудларда асаларичиликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш зарур.

### **Хулоса ва таклифлар**

Тоғ ва тоғолди ҳудудлари табиий-иқлим шароити қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантириш ва экологик тоза маҳсулотлар етиштириш имконини эга.

Тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳолатининг ретроспектив таҳлили ва унга асосланган баҳолаш шундан далолат бермоқдаки, ушбу ҳудудлари қишлоқ хўжалиги ривожланиши жадал ижобий динамик ҳолат кузатилмоқда.

Тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳамда ноаъанавий экин турларини етиштиришда ушбу ҳудудга тегишли инфратузилмаларни яратиш, инвестицион фаол институтларни (банклар, инвестицион фондлар, лизинг компаниялари, йирик корпорацияларни, шу жумладан, трансмиллий ташкилотларни шакллантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш), қишлоқ хўжалигининг устувор йўналишларига инвестиция кириш орқали, қишлоқ хўжалигини инновацияларга йўналтириш муҳим аҳамият касб этади.

Тоғ ва тоғолди ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришда бизнинг назаримизда қуйидаги тавсиявий чора-тадбирларни амалга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир:

- тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш муаммолари доирасидаги фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни фаоллаштириш мақсадга мувофиқ;

- тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини дастурий ёндашув асосида, хусусан давлат мақсадли дастурлари доирасида ривожлантириш;

- моддий-техник ресурслар ҳамда хомашё билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

- сув таъминоти ва ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш;

- тоғ ва тоғолди ҳудудларида хўжалик юритиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни шакллантириш ва мавжудларини такомиллаштириш.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини миллий иқтисодиёт реал секторидаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши лозим. Бунинг натижасида ушбу ҳудудларда макроиқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларни юқори даражага олиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030

йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони (<https://lex.uz/>).

2. Жумаев.Т “Ўзбекистоннинг тоғли жойларида қишлоқ хўжалиги”. – Т: “Фан”, 1982. Б.61.

3. Амонов Х.Н Сурхондарё вилояти тоғли ҳудудлари иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишнинг географик асослари (Бойсун тумани мисолида) и.ф.н автореферати. ТДИУ, 2008.Б.8.

4. Догеев Г.Д., Сердеров В.К., Ханбабаев Т.Г. Организационно-экономический механизм эффективного функционирования семеноводства картофеля в Дагестане – Махачкала, 2020. - 23 С.

5. Ханбабаев Т.Г. Научно-инновационные и технологические основы модернизации горного сельского хозяйства РД (монография) – 2016. С. 27–43.

6. Пириев Д.С. Совершенствование размещения отраслей сельского хозяйства Таджикистана в новых условиях хозяйствования. Автореферат д.э.н по специальности 08.00.05. -М. ТНИИЭОСХ ВАК РФ, 2004. 27,32. С.

7. Авакян Г.Е. Подходы к определению горных территорий: проблемы горного хозяйства и расселения – М.: ИГАН СССР, 1989. – 214 с.

8. Файзуллаева К.Н. Особенности организации и развития сельского хозяйства горных районов. Диссертация к.э.н. Душанбе – ТНИИЭОСХ 2004.-с 137.

9. Мирзон Н.М. “Обеспечение устойчивого развития сельского хозяйства горных районов Таджикистана” Диссертация к.э.н. Душанбе – ТНИИЭОСХ 2019.Б.25

10. Абдулманапов.П.Г., Галбацдибирова. М.А. Современные исследования социальных проблем (электронный научный журнал), Modern Research of Social Problems, №5(49), 2015 [www.sisp.nkras.ru](http://www.sisp.nkras.ru). 689-стр.

11. Abdulkhaeva.G. Main Directions For Development of Sewerage Regions of Mountainous and Bounded Territo.// International Journal of Research in Management & Business Studies. IJRMBS 2019. P.55- 58. (Global Impact Factor 0.705)

12. Abdulxayeva. G. Agriculture promotion and development in mountain and mountain regions. // International journal of trends in marketing management. IJRMBS 2022 ISSN: 2349-4204 Vol.9. issue 1